

Явмутов Дилишод Шойимардонкулович*Бухоро давлат университети, Иқтисодиёт ва туризм факультети декани, и.ф.н.,
доцент*d.s.yavmutov@buxdu.uz

ЎЗБЕКИСТОНДА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ”ГА ЎТИШ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙўНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш учун яшил иқтисодиётга ўтишнинг объектив зарурати, ушбу сиёсатнинг устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. “Яшил иқтисодий сиёсат”нинг таркибий тузилиши баён қилинган.

Калит сўзлар. Барқарор ривожланиш, яшил иқтисодиёт, минтақа, стратегия, экологик хавфсизлик, иқтисодий ривожланиш.

Кириш. Ҳар бир давлат ўзининг тараққиёт стратегиясидан келиб чиқиб тармоқлараро ва ҳудудий сиёсатни амалга оширади. Бунда асосий мақсад – албатта, барқарор ривожланишга эришиш.

“2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”¹да ҳам мамлакатнинг стратегик йўналишларидан бири сифатида «яшил иқтисодиёт»га ўтиш белгиланган. Жумладан, фармонда “Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда «Инсон қадрлари учун» тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаш мақсадида 7. Тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш бўйича белгиланган вазифалар доирасида: в) ««яшил иқтисодиёт»» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш орқали 2026 йилга қадар иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш ва ҳавога чиқариладиган зарарли газлар ҳажмини 20 фоизга қисқартириш чораларини кўриш”² белгиланган. Тараққиёт стратегиясининг 24-мақсади сифатида “Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “яшил иқтисодиёт»” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш” режалаштирилган.

«Яшил иқтисодиёт»ни мамлакат минтақалари иқтисодиёти тармоқларига жорий қилишни чуқурлаштиришда, жадаллаштиришда давлатнинг нафақат ички (ҳудудлараро) балки ташқи алоқалари, ҳамкорлиги ҳам муҳим ўрин тутди. Рио+20 конференцияси иштирокчилари таъкидлаганидек, бу жараёнда мамлакатлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантирган ҳолда, табиат мувозанатини таъминлаш, унинг муҳофазасини, қайта тикланишини назарда тутувчи қарарларга асосланган барқарор ривожланиш бўйича ишлаб чиқаришни жорий қилишда, инсонларнинг барча ҳуқуқ ва хоҳишларини таъминлаш учун кўп қиррали, комплекс ёндошувларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
<https://lex.uz/docs/5841063> (мурожаат санаси 25.07.2023 й.).

² Ўша ерда.

Хар бир мамлакатда иқтисодиётда интеграция жараёнлари ҳам вертикал ҳам горизонтал равишда амалга оширилади. Бунда барқарор ривожланиш стратегияларининг хар бир миллий, маҳаллий ва халқаро даражадаги ишланмалари ва уларнинг амалаг оширилиши, барқарор ишлаб чиқариш ва истеъмол бўйича чора-тадбирлар режаси давлат бошқарувининг мамлакат миқёсидаги барча даражаларида интерацияланиши ва қўллаб-қувватланиш зарур.

Бирок, барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда давлат қайси йўналишларда, қандай ислохотлар амалга ошириши, фаолият олиб бориши бўйича аниқ йўналишларга эга бўлиши лозим. Ислохотлар замирида илмий асосланган тадқиқотлар натижалари ётиши лозим. Олиб борилаётган ислохотлар, барча инновацион ўзгаришлар табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишда самарадорликка эришмоғи лозим. Бунда айниқса, инновацияларни қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар муҳим ўрин тутмоғи зарур.

«Яшил иқтисодиёт» бўйича сиёсатни амалга оширишда давлат ушбу жараёнларнинг бошидан мазкур моделни қўллаб-қувватлаган ҳолда жорий қилиш ва уни ривожлантириш бўйича ўзининг стратегиясини ва йўналишларини белгилаб олиши ҳамда шуларга оғишмай, белгиланган муддатда ва тартибда амал қилиб бориши, таъминлаши лозим.

Адабиётлар шарҳи.

Е.И.Левина ўзининг “Барқарор ривожланиш тушунчаси. Концепциянинг асосий талаблари” номли асарида барқарор ривожланиш тушунчасининг мазмунмоҳити, унинг таркибий тузилиши, барқарор ривожланиш концепциясининг асосий ташкил этувчилари тўғрисида фикр юритилади¹.

Т. М. Кожевникова ва С. Г. Тер-акоповлар “Яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланишнинг йўналишларидан бири” номли асарида иқтисодиётда хўжалик фаолиятини экологияга йўналтирилган ишлаб чиқаришга ўтиш зарурати пайдо бўлганини асослайди². Бунда “яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланиш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий адолатнинг муҳим ва ҳозирги замондаги етакчи асоси сифатида қаралади. Ю.Шодиметов ва Д.Айрапетовлар “Яшил иқтисодиёт барқарор ривожланишга йўл” номли мақоласида³ замонавий жамиятларда яшил иқтисодиётнинг барқарор ривожланишни таъминлашда ижтимоий, иқтисодий, экологик томонлари тадқиқ қилинган. Ривожланган давлатлар ва Шанхай ҳамкорлиги давлатлари тажрибаси ўрганилган ва унинг Ўзбекистон учун фойдалаи томонлари кўрсатиб ўтилган.

В.Вичикнинг “Яшил Иқтисодиёт” ва барқарор ривожланиш” асарида⁴ сўнгги 30 йилда жаҳон амалиётида барқарор ривожланиш борасида сезиларли натижалар қўлга киритилгани, арқарор ривожланишда асосан экологик, ижтимоий ва иқтисодий томонга уруғу берилаётгани кўрсатиб ўтилган. Бунда “яшил иқтисодиёт” сўнгги жаҳон иқтисодий инқирозидан кейин жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишида ресурстежамкор ва атроф-муҳитга кам салбий таъсирли йўналиш сифатида тадқиқ қилинган.

Л.Ч.Воймик ва М.Г.Хусайин Шохнинг “”Яшил иқтисодиёт” барқарор ривожланиш ва камбағалликни қисқартириш омили сифатида” номли асарида Бангладеш Республикаси мисолида “яшил иқтисодиётнинг дунё мамлакатлари ҳудудларида барқарор ривожланиш ва камбағалликни қисқартиришда муҳим йўналиш бўлаётганлиги кўрсатиб ўтилган⁵. 1992

¹ Левина Е.И.. ISSN 1810-0201. Гуманитарные науки. Экономика. Вестник ТГУ, выпуск 11 (79), 2009. – С. 113-119.

² Кожевникова Т. М., Тер-акопов С. Г. «Зеленая экономика» как одно из направлений устойчивого развития”. Социально-экономические явления и процессы. № 3 (049), 2013. – с. 78-82.

³ Шадиметов.Ю., Айрапетов Д. “Зеленая экономика» путь к устойчивому развитию”. Транспортда ресурстежамкор технологиялар. Халқаро илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. ТДТУ. – Т.: 2022. – С. 515-520.

⁴ V.Weick. Green Economy and sustainable development. https://ideas.repec.org/h/elg/eechap/15726_6.html.

⁵ Liton Chandra Voumik. Md Gaffar Hossain Shah. A green Economy in the Context of Sustainable Development and Poverty Eradication: What are the Implications for Bangladesh? Journal of Economics and Sustainable Development. www.iiste.org ISSN 2222-1700 (Paper) ISSN 2222-2855 (Online) Vol.5, No.3, 2014. –P. 117-131.

йилда Рио де Жанейрода бўлиб ўтган БМТ халқаро конференциясининг талабалари тўлиқ бажарилмаётгани, бу қандай оқибатларга олиб келиши кўрсатиб ўтилган.

Н. Чабен, З. Эллух, Б. Ҳамди, Б. Каҳовлилар ўзларининг “Барқарор ривожланишга эришишда “яшил иқтисодиёт” кўрсаткичлари: Саудия Арабистонининг эмпирик маълумотлари” номли асарида Саудия Арабистонида қандай қилиб иқтисодий ўсишда экологик масалаларни тизимли ечган ҳолда барқарор ривожланишга эришилаётгани тажрибаси ва йўналишлари кўрсатилган. 2015-2020 йиллардаги маълумотлар 42 та кўрсаткич бўйича таҳлил қилинган. Бунда Ковид пандемиясининг Қиролликдаги иқтисодий ўсишга таъсир излари ҳам кўрсатилган ва бу изларни йўқотишда “яшил иқтисодиёт” муҳим омил бўлаётгани таъкидланган.

Е.И.Кужилевнинг “Яшил иқтисодиёт” замонавий оламда экологик хавфсизлик учун барқарор ривожланишнинг омили сифатида” номли асарида¹ муаллиф миллий хавфсизликни таъминлашда “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг авфзалликлари, усун жиҳатларини кўрсатиб ўтган.


Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида тизимли таҳлил, статистик таҳлил, қиёсий таққослаш, синергетик таҳлил, фанлараро ёндошув методларидан фойдаланилди. Айниқса, мавзуга оид адабиётлар ва манбаларни таҳлил қилишда тизимли таҳлил услубидан, хорижий давлатларда барқарор ривожланишда “яшил иқтисодиёт”дан қандай йўлларда фойдаланилаётгани, унга қандай ўтишаётгани таҳлилида қиёсий таҳлил услубидан фойдаланилди.

Натижалар. Ҳар бир давлат ўз ҳудудида, минтақаларда «яшил иқтисодиёт»ни жорий қилишни амалга оширар экан, аввалом бор, ҳудудларнинг табиий, экологик, ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаган бўлиши лозим. “Қўнғир иқтисодиёт” амал қилиб турган даврда юзага келган муаммолар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқ ва мукамал таҳлил қилган ҳолда “«яшил иқтисодиёт»”ни жорий қилишнинг устувор йўналишларини, манзилларини аниқлаштириб олмоғи лозим. «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш йўналишлари илмий асосланган ҳолда белгиланиши, тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш учун давлат «яшил иқтисодиёт»га ўтиш тамойилларининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш бўйича рағбатлантириш чораларини ҳам кўриши лозим.

Кўп ҳолларда давлат ҳудудларда минтақавий сиёсатни амалга оширганда тармоқлар бўйича дастурлар шакллантирилади ва амалга оширилади. Бундай ҳолларда комплекс ёндошув талаб этилади, «Яшил иқтисодиёт»ни жорий қилиш ва ривожлантириш бўйича минтақавий сиёсатни амалга оширганда эса экотизимли ёндошувга асосланишни муаллиф тавсия этади. Ҳудудларда «яшил иқтисодиёт»ни жорий қилишда амалга ошириладиган минтақавий сиёсат барча тадбирларни қамраб олувчи мажмуали ёндошувга асосланган бўлиши лозим. Ҳозирда «яшил иқтисодиёт»ни ривожлантиришда юқори натижаларга эришаётган мамлакатларда уларни жорий қилишда давлат томонидан комплекс чоратадбирлар амалга оширилган.

Давлат томонидан минтақаларда ва иқтисодиёт тармоқларида яшил иқтисодий сиёсат амалга оширилганда барча жабҳаларни қамраб олган, мажмуали, экотизимли ёндошув билан амалга ошириш зарур. Муаллиф яшил сиёсатни амалга оширишнинг иқтисодий механизмлари сифатида маъмурий, иқтисодий, ижтимоий ва ахборот дастакларини ажратиб кўрсатади (1-расм).

¹ Кузнецов Е. Д. Зеленая Экономика Как Фактор Устойчивого Развития Экологической Безопасности В Современном Мире Национальная безопасность и стратегическое планирование. Выпуск 2 (6), 2014. – С. 103-106.



1-расм. Яшил иқтисодий сиёсат механизмлари¹

Маъмурий механизмлар – корхона ва ташкилотларда атроф-муҳитга зарар етказмаслик мақсадида нималарга риоя қилиш зарурлигини белгилаб берувчи меъёрий-ҳуқуқий чекловлардир. Ушбу механизмдан айрим корхона ва инсонлар томонидан ушбу тартибларга зид ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилганда уларга нисбатан санкциялар тарзида қўлланилиши мумкин. Саноат ишлаб чиқаришида маълум моддаларни ишлаб чиқариш, қишлоқ хўлиғи ишлаб чиқаришида айрим моддаларни қўллаш ва ҳ.к.ларда ушбу ҳаракатларни таъқиқлашда маъмурий дастаклар фойдаланилади. Маъмурий дастаклар ишлаб чиқиш, тартибга солиш ва назорат қилиш ҳамда муносабаат билдириш жараёнларидан ташкил топган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига асосан иқтисодиёт тармоқларида “яшил иқтисодиёт”га босқичма-босқич ўтиш ва шу билан бирга, минтақаларда барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегияси” тасдиқланди². Стратегияда Республикада «яшил» иқтисодиётга ўтишининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- технологик модернизациялаш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- давлат инвестициялари ва харажатларининг устувор йўналишларига илғор халқаро стандартларга асосланган «яшил» мезонларни киритиш;
- давлат томонидан рағбатлантириш механизмларини, давлат-хусусий шерикчиликни ривожлантириш ҳамда халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни фаоллаштириш орқали «яшил» иқтисодиётга ўтиш йўналишлари бўйича тажриба-синов лойиҳаларини амалга оширишга қўмаклашиш;
- таълимга инвестициялар киритишни рағбатлантириш, етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш ҳисобига «яшил» иқтисодиётдаги меҳнат бозори билан боғлиқ кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини ривожлантириш;
- Оролбўйидаги экологик инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш чораларини қўриш;

¹ Муаллиф ишланмаси.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 04 октябрдаги ПҚ-4477 сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (<https://lex.uz/docs/4539502>). Мурожаат санаси – 05.08.2023 й.).

– «яшил» иқтисодиёт соҳасида, шу жумладан икки томонлама ва кўп томонлама шартномалар тузиш орқали халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш¹.

Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини амалга оширишнинг устувор йўналишлари сифатида қуйидагилар белгиланди:

- иқтисодиётнинг базавий тармоқлари энергия самарадорлигини ошириш;
- энергия ресурслари истеъмолини диверсификациялаш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ривожлантириш;
- иқлим ўзгариши оқибатларига мослашиш ва уларни юмшатиш, табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва табиий экотизимларни асраш;
- «яшил» иқтисодиётни қўллаб-қувватлашнинг молиявий ва номолиявий механизмларини ишлаб чиқиш².

Ўзбекистонда юқоридаги қарорга асосан «яшил» иқтисодиётни илгари суриш ва жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги белгиланди, шунинг билан унга қуйидаги вазифаларни амалга ошириш юкланди:

- Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича масъул вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- Идоралараро кенгашга, шу жумладан унинг ишчи органи фаолиятини ташкил этиш орқали ҳар томонлама қўмаклашиш;
- «яшил» иқтисодиётни босқичма-босқич жорий этиш бўйича ҳисоботлар юритишнинг ўз вақтида ташкил этилишини таъминлаш;
- ялпи ички маҳсулотнинг углерод сарфи ҳажмини камайтириш, соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларини қўллаган ҳолда саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш.

Стратегияда белгиланган устувор йўналишлардаги бошқа устувор тадбирларни амалга оширишда иқтисодиётнинг турли тармоқларига масъул вазирлик ва идораларга мақсадли вазифалар белгиланди ва уларга ушбу вазифалар ижросини таъминлаш юклатилди. Жумладан,

- Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича вазирлик ва идоралар фаолиятини самарали ташкил этиш - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига;
- энергия самарадорлик кўрсаткичларини ошириш, қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёқилғисини ишлаб чиқаришни ва ундан фойдаланишни кенгайтириш, замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш – Энергетика вазирлигига;
- асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, томчилатиб суғориш технологияларини самарали жорий этиш, шунингдек, ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш - Қишлоқ хўжалиги вазирлигига;
- сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш – Сув хўжалиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликларига;
- «яшил» иқтисодиётни жорий этиш бўйича тадбирлар амалга оширилишини экологик қўллаб-қувватлашни ташкил этиш ва таъминлаш ҳамда атроф табиий муҳит ҳолати мониторинги натижаларини умумлаштириш – Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига;

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 04 октябрдаги ПҚ-4477 сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (<https://lex.uz/docs/4539502>. Мурожаат санаси – 05.08.2023 й.).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 04 октябрдаги ПҚ-4477 сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (<https://lex.uz/docs/4539502>. Мурожаат санаси – 05.08.2023 й.).

- Стратегияда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа хорижий донорларнинг кредитлари ва грантларини жалб қилишни таъминлаш - Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига;

- Стратегияда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик – барча масъул вазирлик, идора ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига¹.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш шароитида минтақаларда иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш учун Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари куйидагиларни ўз ичига олади:

– иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштира ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 10 фоизга қисқартириш;

– икки карра энергия самарадорлиги кўрсаткичини ошириш ва ялпи ички маҳсулот углерод сарфи ҳажмини камайтириш;

– қайта тикланувчи энергия манбаларини янада ривожлантириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 25 фоизидан кўпроғига етказиш;

– 100 фоизгача аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арзон ва ишончли энергиядан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш;

– саноат корхоналари инфратузилмасини модернизациялаш, энергия самарадорлигини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорга ошириш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва саноат жараёнларидан янада кенг фойдаланиш ҳисобига уларнинг барқарорлигини таъминлаш;

– энергия самарадорлик ва экологик жиҳатдан яхшиланган тавсифларга эга мотор ёқилғиси ва автотранспорт воситалари ишлаб чиқаришни ҳамда улардан фойдаланишни кенгайтириш, шунингдек, электр транспортини ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда томчилатиб суғориш технологиясини жорий этиш ва уларда етиштириладиган экинлар ҳосилдорлигини 20-40 фоизгача ошириш;

– ерларнинг таназзулга учраши бўйича нейтрал балансга эришиш;

– асосий турдаги қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўртача ҳосилдорлигини 20-25 фоизгача оширишга эришишдир².

Муҳокама. “Яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг муҳим вазифалари қаторига иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, минтақаларда барқарор ишлаб чиқаришни таъминлаш ва табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш киради. Ушбу Стратегиянинг асосий мақсадларига, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш орқали Ўзбекистон 2030-йилга бориб энергиянинг умумий таркибидаги қайта тикланадиган энергия улушини 30 фоизга етказишни мақсад қилган. Бунга янги шамол, қуёш ва гидроэлектр станцияларини қуриш, шунингдек, модернизация қилиш орқали эришилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида қуёш, шамол ва биогаз каби қайта тикланадиган энергия манбаларини қўллаш иссиқхона газлари чиқиндиларини ва қазиб олинадиган ёқилғига қарамликни камайтиришга ёрдам беради.

Хусусан, мамлакатда сўнгги 4 йил ичида қуёш ва шамол электр станцияларни қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 10 та битим имзоланди. Умумий қуввати

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш Стратегиясига асосан ишлаб чиқилди (ПҚ-4477, 04.10.2019 й.).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги 2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг "яшил" иқтисодиётга ўтиш Стратегиясининг - мақсад ва вазифалари (ПҚ-4477, 04.10.2019 й.).

1000 МВт бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича 3 та йирик лойиҳалар шакллантирилди:

Биринчиси. Бухоро, Наманган ва Хоразм вилоятларида умумий қуввати 500 Мегаватт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари;

Иккинчиси. Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида 300 Мегаватт қувватли минтақадаги йирик қуёш электр станцияси ҳамда энергияни сақловчи махсус тизимлар;

Учинчиси. Қорақалпоғистон Республикасида 200 Мегаватт қувватли шамол электр станцияси.

Шунингдек, 2021-йилнинг август ойида Навоий вилоятининг Кармана туманида биринчи 100 Мегаватт қувватли қуёш фотоэлектр станцияси ишга туширилди.

Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани ҳудудида 100 мегаватт қувватли йирик қуёш фотоэлектр станцияси 2022-йилда ишга туширилди. Шунингдек, 2023-2024-йилларда Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд вилоятларида умумий қуввати 1197 мегаватт бўлган 5 та қуёш ва шамол электр станциялари фойдаланишга топширилади.

Бухоро ва Навоий вилоятларида ҳар бирининг қуввати 500 мегаваттдан бўлган 3 та шамол электр станцияси 2024 - 2025-йилларда ишга туширилиши кутилмоқда. Жами ҳисобда яқин 2026- йилга бориб Республикада умумий қуввати 8 000 МВт га тенг бўлган қуёш ва шамол электр станциялари, 868 мегаватт қувватга эга гидроэлектр станциялари ишга туширилади.

Ўзбекистонда сўнгги 4 йил ичида умумий қуввати 2 897 мегаваттга тенг бўлган қуёш ва шамол электр станцияларини қуриш бўйича халқаро компаниялар билан ҳамкорликда 10 та битим имзоланиб, ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати қарийб 3 миллиард АҚШ долларни ташкил этади. Ушбу лойиҳаларнинг барчаси хорижий компаниялар томонидан тўғридан- тўғри инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда.

1-жадвал.

2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш бўйича мақсадли кўрсаткичлар¹

Т/р	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 йил	2024 йил	2026 йил	2028 йил	2030 йил
1.	Ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия ҳажмини камайтириш (2021 йилга нисбатан)	%	5,0	14,0	22,0	27,0	30,0
2.	Саноатда электр энергияси истеъмоли, умумий истеъмолдаги улуши	%	26,0	25,0	23,0	21,0	20,0
3.	Қайта тикланувчи энергия манбаларининг электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улушини кенгайтириш (гидроэнергетика билан бирга)	%	8,0	9,0	24,3	29,0	30,5
		кВт/с	6,5	8,6	25,0	34,0	40,7
4.	Кичик қувватли қуёш фотоэлектр станцияларини қуриш	МВт	10,0	150,0	400,0	800,0	1500,0
5.	Яхшиланган ичимлик сув манбаларидан фойдаланиш имкониятига эга аҳоли, жами аҳоли сонига нисбатан	%	69,7	80,93	87,12	88,5	90,0
6.	Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт ва буталар захираларини кўпайтириш	млн.м ³	64,2	68,1	77,0	85,5	92,3
7.	«Яшил макон» лойиҳаси доирасида шаҳарлардаги яшил майдонларни	%	8,3	12,4	15,8	23,8	30,0

¹ 2030 йилгача Ўзбекистон Республикасида «яшил» иқтисодиётга ўтиш ва «яшил» ўсишни таъминлаш [дастурига](#) илова. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 03.12.2022 й., 07/22/436/1061-сон; 13.06.2023 й., 06/23/92/0366-сон.

	кенгайтириш (аҳоли пунктининг умумий майдонига нисбатан)						
8.	Ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражаси	%	30,0	40,0	50,0	60,0	65,0

Фақатгина 2022-йилнинг ўзида умумий қуввати 1 474 МВт бўлган 7 та янги электр станция ишга туширилди:

- Бухоро вилоятида қуввати 270 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси;
- Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган буғ-газ қурилмаси;
- Хоразм вилоятида қуввати 174 МВт бўлган йирик иссиқлик электр станцияси;
- Тошкент вилоятида қуввати 230 МВт бўлган газ-поршенли иссиқлик электр станцияси;
- Тошкент вилоятида қуввати 240 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси;
- Самарқанд вилоятида қуввати 100 МВт қуввати бўлган қуёш фотоэлектр станцияси;
- Сирдарё вилоятида қуввати 220 МВт бўлган янги иссиқлик электр станцияси.

Электр станциялари бир йилда 11 млрд. 300 млн. КВТ электр энергияси ишлаб чиқаради. Йилига 1 миллиард 503 миллион метр куб табиий газ тежалиб, асосийси ушбу секторда 545 нафар янги иш ўрни яратилди.

Хулоса. Мақсадли индикаторлар (1-жадвал)га кўра технологияларни модернизация қилиш ва молиявий механизмларни ривожлантириш орқали Стратегияни амалга ошириш бўйича 2030-йилгача бўлган даврда ялпи ички маҳсулот бирлигига иссиқхона газларининг солиштирама чиқиндилари 2010-йил даражасидан ўн фоизга камайтириб, аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг юз фоизга қадар замонавий, арзон ва ишончли электр таъминотидан фойдаланиш таъминланади. Экологик жиҳатдан яхшиланган моторли ёқилғи ва электрли автомобиллар ишлаб чиқариш ҳамда улардан фойдаланиш кенгайтирилади, электр транспорти ривожланади.

Яна шуни таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистонда миллий иқтисодиёт ва минтақалар ҳудудий иқтисодиётининг барқарор ривожланишида тафовутлар кўзга ташланади. Шу сабабдан барқарор ривожланиш тамойилларига асосан ҳудудларда иқтисодиётнинг “яшил иқтисодиёт”га ўтишини таъминлаш талаб этилади. Ҳозирда дунёнинг кўплаб минтақаларида – Европа Иттифоқида, Шимолий Америкада, Жанубий-шарқий Осиё давлатларида, Форс кўрфази мамлакатларида ва бошқаларда аллақачон “яшил иқтисодиёт”га ўтиш орқали барқарор ривожланишни таъминлаш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда.

Ўзбекистонда “яшил иқтисодиёт” орқали барқарор ривожланишга эришиш борасида дастлабки ҳуқуқий асослар яратилди. Умумий стратегия ишлаб чиқилди. Стратегияга асосан устувор йўналишлар белгиланди, булар борасида ишлар олиб борилмоқда. Бирок, ҳали амалга ошрилиши лозим бўлган ишлар талайгина. Жумладан, Иқтисодиёт тармоқлари бўйича тўлиқ “яшил иқтисодиёт”га ўтишнинг стратегиялари, усувор йўналишлари ишлаб чиқилиши зарур. Аҳолининг бу борада соводхонлигини, қай даражада бу ўзгаришларга тайёрлигини йўналтириб бориш талаб этилади. Аксарият табиий ресурсларнинг яқин келажакда қайта тикланмас даражада тугаши ҳудудларда “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида барқарор ривожланишга ўтишни талаб қилади. Шу сабабдан ҳозирдан бу жараёнларни бошлаш ва самарали амалга ошириш талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 04 октябрдаги ПҚ-4477 сонли “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (<https://lex.uz/docs/4539502>. Мурожаат санаси – 05.08.2023 й.).

2. Кожевникова Т. М., Тер-акопов С. Г. «Зеленая экономика» как одно из направлений устойчивого развития». Социально-экономические явления и процессы. № 3 (049), 2013. – с. 78-82.
3. Кужелев Е. Д. Зеленая экономика как фактор устойчивого развития экологической безопасности в современном мире национальная безопасность и стратегическое планирование. Выпуск 2 (6), 2014. – С. 103-106.
4. Левина Е.И.. ISSN 1810-0201. Гуманитарные науки. Экономика. Вестник ТГУ, выпуск 11 (79), 2009. – С. 113-119.
5. Шадиметов Ю., Айрапетов Д. “Зеленая экономика» путь к устойчивому развитию”. Транспортда ресурстежамкор технологиялар. Халқаро илмий-техникавий анжуман материаллари тўплами. ТДТУ. – Т.: 2022. – С. 515-520.
6. Явмутов Д. Ш., Бурхонов Ж.Х., Каримова К.С. Яшил иқтисодиётни қўллашда хорижий давлатлар тажрибаси ва уни Ўзбекистонда жорий қилиш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва туризм” халқаро илмий ва инновацион журнал. 2023, №2(10). – Б 89-97.
7. Weick V.. Green Economy and sustainable development. https://ideas.repec.org/h/elg/eechap/15726_6.html.
8. Liton Chandra Voumik. Md Gaffar Hossain Shah. A green Economy in the Context of Sustainable Development and Poverty Eradication: What are the Implications for Bangladesh? Journal of Economics and Sustainable Development. www.iiste.org ISSN 2222-1700 (Paper) ISSN 2222-2855 (Online) Vol.5, No.3, 2014. –P. 117-131.
9. [Nahla Chaaben](#), [Zied Elleuch](#), [Basma Hamdi](#) & [Bassem Kahouli](#). Green economy performance and sustainable development achievement: empirical evidence from Saudi Arabia. Springer Nature. [Environment, Development and Sustainability](#). October, 2023. – P 234-245.